

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АЛИДЖАНОВА ДУРДОНА АБДУЛЛАЖОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА МИГРЕННИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УЎК:616.857-053.2:612.017.1

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Алиджанова Дурдона Абдуллажоновна</b> Болаларда мигреннинг клиник-неврологик ва иммунологик хусусиятлари.....	3
<b>Алиджанова Дурдона Абдуллажоновна</b> Клинико-неврологические и иммунологические аспекты мигрени у детей.....	21
<b>Alidjanova Durdona Abdullajonovna</b> Clinical - neurological and immunological aspects of migraine in children.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АЛИДЖАНОВА ДУРДОНА АБДУЛЛАЖОНОВА**

**БОЛАЛАРДА МИГРЕННИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib568 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маджидова Якутхон Набиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансуров Шаанвар Шамуратович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Муратов Фахмиддин Хайридинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Хожи Ахмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz).)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда неврологик касалликлар орасида бош оғриғи болалик ва ўсмирлик даврида энг эътибор талаб этувчи патологиялардан бир бўлиб ҳисобланади. Ушбу касалликдан азият чекувчилар сони кудан кунга ошиб бормокда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «мигрень беморларда энг кўп ижтимоий дезадаптацияга сабаб бўлувчи 19 та касаллик рўйхатига киритилган ва бош оғриғи мактаб ёшидаги болалар ўртасида 5,9% дан 82% гача учрайди»<sup>1</sup>. Бу кўрсаткичларнинг асосий фоизини бирламчи бош оғриғи - мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғи ташкил қилади. Бирламчи бош оғриқлари учраш частотасининг ёш ўтиши билан ошиши аниқланган, «бирламчи бош оғриғи 3 ёшда 8% ни, 5 ёшда 19,5% ни, 7 ёшда 37 - 51,5% ни, 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида бу кўрсаткичлар 26 - 82% ни ташкил қилди»<sup>2</sup>. Шу билан бирга болаларда бирламчи бош оғриғи, хусусан, мигреннинг асоратлари ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болалик даври муаммоларини аниқлаш, уларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасига ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришишга қаратилган илмий тадқиқодларга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу борада болаларда учрайдиган бош оғриғи сабаблари, хавф омиллари мавжудлигини эътиборга олиб касаллик асоратларини олдини олиш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, касаллик замирида нейропсихологик, нейровегетатив дезадаптацияни бартараф этиш, касаллик келиб чиқишида иммунологик бузилишларни аниқлаш, даволашга замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкун бўлган асоратларнинг олдини олиш чораларини белгилаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бирламчи бош оғриғининг иммунологик жиҳатларига боғлиқ ҳолда клиник-неврологик жиҳатдан ёндашиш, барвақт ташхислашни оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва асоратларнинг олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш каби муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасининг самарали тизимини ривожлантириш юзасидан, жумладан аҳолининг турли қатламлари орасида неврологик касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг асоратларини камайтириш, асоратларини олдини олиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Бу борада «...касалликларнинг олдини олиш ва диагностика қилиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> га қаратилган муҳим вазифалар

<sup>1</sup> OWH. World report on ageing and health: World Health Organization 2016

<sup>2</sup> Нестеровский Ю.Е., Заваденко Н.Н. Болалар ва ўсмирларда бирламчи бош оғриғи ва юрак қон-томир бузилишлари//Педиатрия-2014.-N 5, 101-108 бетлар

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

белгиланган. Болаларда нерв тизими касалликларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига тиббий - ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифати даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармокология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларда бирламчи бош оғриғи тарқалганлиги, клиник жиҳатлари, ташхислаш, даво усуллари аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқодлар ўтказилган, жумладан, бирламчи бош оғриқларининг ҳамма клиник шаклларида авж олиш феномени универсал бўлиши тасдиқланди (Lipton R.B., Bigal M.E., 2007). Прогрессирланувчи кечувнинг асосий белгилари деб ҳисобланган бош оғриғининг сурункали кечуви, хуружлар трансформацияси ва беморларда дезадаптация кучайиши, патологик оғриқларда патофизиологик маркерларнинг пайдо бўлиши (марказий ва периферик сенситизация, антиноцицептив ҳосилаларнинг функционал етишмовчилиги), бош мия ва бош миядан ташқари структуравий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши кузатилди (Bendtsén L., Treede R.D., 2005; Schmidt-Wilcke T. et al., 2005; Buchgreitz L. et al., 2006; Kruit M.C. et al., 2006; Meng I.D., Cao L., 2007).

Ҳозирги вақтда иммунология энг жадал ривожланаётган билим соҳаларидан бири бўлиб, уни клиник тиббиётнинг турли соҳаларига жорий этиш орқали ўз чегараларини доимий равишда кенгайтириб бормоқда (Карпова ва бошқ., 2011). Хусусан иммуноцитлар ва уларнинг секретор маҳсулотлари физиологик ва патологик оғриқ механизмларини тартибга солишда фаол иштироки ҳамда цитокин-таъсирланиш реакциялар нейротроп таъсирни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган (Hermann G.E. et al., 2005; Marchand F. et al., 2005; Watkins L.R. et al., 2005). Сўнги йилларда иммун тизими функциясига нейрогуморал ва нерв таъсири

механизмлари ўрганилиб, нерв ҳамда иммун тизимини ўзаро бошқарув механизмлари исботланди. Илмий оламда нерв ва иммун тизими ўртасидаги муносабатлар аслида икки йўналишли деб тан олинган (Watkins L.R. et al., 1999), яъни активлашган иммун ҳужайралар маҳсулоти қайтиб, мияга таъсир қилади ва шу билан нерв фаолиятини бузади. Иммункомпетент ҳужайралар маҳсулоти психо ва нейротроп таъсирга эга, хотиранинг физиологик механизмларида, уйқуни ва уйғоқликни тартибга солишда, гипоталамус-гипофиз, буйрак усти тизимининг фаоллигида ва стресс-реакция чақирилишида қатнашиши кўрсатилди (Pedersen B.K., Hoffman-Goetz L. 2000; Жукова Е.Н. 2003; Сотников С.В., Степанюк В.Л., Умрюхин А.Е. 2009; Rains J.C., Penzien D.B., McCrory D.C., Gray R.N. 2005).

Турли хил антигенларга нисбатан иммун тизими жавобининг шаклланишида вегетатив нерв тизимида жараёнларнинг ва хулқ атворнинг ўзгариши билан кечиши кузатилиб, бу ўзгаришлар иммун тизими активациясида адаптацион аҳамиятини кўрсатди (Маркова Е.В. 2010). Охирги ўн йиллик тадқиқот натижаларига кўра, яллиғланиш ва инфекцион жараёнлар ва бош оғриғи шаклланишида боғлиқлик борлиги тез-тез қайд этилади. Мигрень ташхиси қўйилган беморларда субклиник ва клиник инфекцияларнинг юқори даражаси аниқланди. Аммо иммунологик жараёнларнинг патохимизми, мигрень ва бошқа турдаги бош оғриқларнинг организмдаги вирус ва бактериологик таъсирларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашни талаб қилади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда болаларда бирламчи бош оғриғи учраш частотасининг юқорилигига қарамасдан, патологиянинг иммун тизими ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади. Болаларда бирламчи бош оғриғининг диагностик мезонлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Ушбу касаллик ташхиси ва давоси, асосан бош оғриғи хуружини бартараф қилишга қаратилган бўлиб, иммунологик бузилишлар коррекцияси ва назорати этибордан четда қолмоқда. Болаларда бирламчи бош оғриғининг клинко-неврологик, иммунологик бузилишлар даражасини аниқлаш, ушбу патология оқибатида келиб чиқувчи асоратларнинг олдини олишга, янги диагностик имкониятларнинг очилишига ёрдам беради ва самарали даво ва профилактик чораларни ишлаб чиқишга сабаб бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг режасига мувофиқ, «Асаб касалликларининг қон - томир, яллиғланиш, дегенератив ва наслий нерв мушак касалликлари клиник-патогенетик хусусиятлари» (2012 - 2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда мигрень шаклланиши ва ривожланишида иммун тизимининг роли, клиник - неврологик жиҳатларни аниқлаш ҳамда даволашни оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғининг прогрессирланишида соматик статус ва хавф омилларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғида клиник - неврологик, нейрофизиологик ва нейровизуализацион хусусиятларни қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

иммун тизимига (адаптив ва туғма иммунитетга хужайра ва гуморал факторлар, цитокинлар) қиёсий тавсиф бериш ва болаларда цефалгия ривожланишида уларнинг боғлиқлигини аниқлаш;

бирламчи бош оғриғи билан оғриган болаларда касаллик кечувига кўра ташхислаш ва даволаш алгоритмининг оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017 - 2019 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бўлимларида ва консултатив поликлиникасида ҳамда 3 - шаҳар болалар клиник шифохонасида турли генезли бош оғриғи бўлган 7 ёшдан 18 ёшгача 117 нафар бемор олинди.

**Тадқиқотнинг предмети:** сифатида веноз қони ва қон зардоби намуналари, шунингдек, клиник, нейровизуализацион, нейрофизиологик текширувлар ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-неврологик текширув, визуал аналог шкаласи (ВАШ), ID-migraine сўровномаси, Гийома - Вейн жадвали, бош оғриғи кундалиги, нейровизуализацион, нейрофизиологик ҳамда нейрорадиологик текширувлар, иммунологик (хужайравий ва гуморал иммунитет, цитокинлар ҳолати) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор бирламчи бош оғриқларида Т- хелпер (CD4) ва супрессорлар (CD8) миқдорининг камайиши ҳамда иммуноглобулинлар (Ig A, M, G) ва ЦИК миқдорининг ортиши, касаллик ривожланиш хавфининг шаклланишига таъсири аниқланган;

илк бор болаларда бирламчи бош оғриғининг шаклланишида цитокин статусида яллиғланиш олди интерлейкинлари (ФНО-альфа) миқдорининг ошиши ноцецептив тизим билан боғлиқлиги ва аксинча яллиғланишга қарши интерлейкинлар (ИЛ10) миқдорининг ортиши антиноцецептив тизимга боғлиқлиги аниқланган;

илк бор мигрень ва ЗБО бор беморларда стандарт давога иммуномодулятор кўшилиши бош оғриғи частотаси ва интенсивлигининг пасайишига таъсир қилиши аниқланган;

болаларда бирламчи бош оғриғини қиёсий ташхислаш ва даволашга ёндашув оптималлаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда бирламчи бош оғриғи ривожланишида клиник, нейровизуализацион, иммунофермент текширув усуллари кўллаш

патологик жараёни барвақт аниқлаш ва рационал терапия усули таклиф қилинган;

болаларда бирламчи бош оғриғи коморбид касалликлари бўлган ва бўлмаган беморларда мигрень, зўриқишдаги бош оғриғини ташхислаш ва даволаш дастурига қўшимча ёндашувлар ишлаб чиқилган;

бош оғриғи билан оғриган беморлада синтетик иммуномодулятор воситаларни қўллаш даволаш босқичларида неврологик ўзгаришларни тикланиш ва хуружлар сонини, интенсивлигини пасайтириш жараёнини қисқартириш имконини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда бирламчи бош оғриғини эрта ташхислаш, клиник-неврологик хусусиятлар билан хужайравий, гуморал иммунитет, цитокин қатори орасида боғлиқликни аниқлаш, шунингдек, комплекс даволаш ва диагностика қилиш имконини яхшилаш билан изоҳланади. Бундан ташқари, болаларда бирламчи бош оғриғи ва касаллик кечиши прогнозини аниқлаш тактикасини танлаш имконини беради;

Тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган диагностик муолажаларни татбиқ этиш орқали болаларда бирламчи бош оғриғини эрта аниқлаш ва прогнозини оптималлаштириш имконини беради. Олинган тадқиқот натижалари бирламчи бош оғриғи фониди иккиламчи иммунодефицит ривожланган беморларда патофизиологик даволаш усуллари аниқлаш қўллаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда бирламчи бош оғриғининг клиник ва иммунологик хусусиятлари бўйича олинган натижаларга асосланиб:

«Вариабельность иммунологических изменений при различных формах цефалгий у детей» методик қўлланма сифатида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июндаги №8н-д/143-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғи билан оғриган болаларда эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини яхшилаш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

болалардаги бирламчи бош оғриғи билан хасталанган беморларни эрта ташхислашни оптимизациялаштириш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикасининг даволаш профилактика муассасаларига, хусусан Тошкент вилояти кўптармоқли болалар тиббий

маркази ва Самарқанд Тиббиёт институти қошидаги 1-сонли клиникаларида амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги №8н-з/256-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши барвақт ташхислаш, болаларда цефалгия терапиясини оптималлаштиришга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та методик тавсиянома чоп этилган, шулардан 6 мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда мигреннинг замонавий концепцияси ва мигрень ривожланишида иммун тизимининг роли**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича болаларда бирламчи бош оғриғи патогенези, хавф омиллари ва клиник хусусиятлари, ташхиси ва даволаш масалари бўйича хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Бирламчи бош оғриғининг замонавий ташхиси ва даволаш муаммолари, кўплаб ва оғир асоратлари ҳозиргача ўз ечимини топмаган ҳамда амалиётчи шифокорлар ва тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Болаларда бирламчи бош оғриғи хуружларининг қайталаниш частотасининг ошиши ва касалликнинг ривожланишида иммуногенетик ўзгаришларни баҳолаш ҳозирги вақтда кўшимча тадқиқотлар талаб қиладиган муаммо ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Олинган клиник материал ва асосий тадқиқот усулларининг умумий характеристикаси**» деб номланганиккинчи бобида диссертация тадқиқотининг режаси, белгиланган мақсад ва вазифалар ишлаб чиқилган, тадқиқот материаллари ва усуллари тасвирланган.

Мазкур тадқиқот 2017–2019 йилларда, ТошПТИ «Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббий генетика» кафедраси ходимлари, ТошПТИ консультатив поликлиникаси ва Тошкент шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонаси невролог мутахассислари кузатувида бўлган 117 нафар турли генезли бирламчи бош оғриғи бўлган болаларни «бир маротабалик» ва «ҳолат-контрол» типдаги проспектив текшируви маълумотларига асосланган.

Диссертацион ишда клиник-неврологик текширувлар, лаборатор (хужайра ва гуморал иммунитет, циркуляцияланадиган иммун комплекслар, цитокин статусни аниқлаш), инструментал (ЭЭГ, ТКДГ, МРТ), статистик методлар (компьютер дастурлар ёрдамида) қўлланилган.

Диссертациянинг **«Бирламчи бош оғриғи билан касалланган болаларда клиник-анамнестик, инструментал текширув натижалари»** деб номланган учинчи боби тадқиқот натижалари муҳокамасини ўз ичига олади.

Биз томондан 117 нафар бола текширувдан ўтказилиб, уларнинг ёши 7 дан 18 гачани ташкил этган. Цефалгиянинг клиник ва патогенетик хусусиятларидан келиб чиқиб, барча беморлар бош оғриғининг шаклларига қараб гуруҳларга бўлинди. Биринчи гуруҳга мигрень ташҳиси қўйилган 62 бемор, иккинчи гуруҳга эса зўриқишдаги бош оғриғи ташҳиси билан 55 бемор киритилди. Бош оғриғининг Халқаро классификациясига МКГБ III га асосланиб, биринчи гуруҳда иккита кичик гуруҳ шаклланди: 44 нафар аура бўлмаган мигрень ва 18 нафар аура бўлган мигрень.

Фоиз нисбати бўйича мигрень касаллиги 53 % (аурасиз мигрень 71%, аурали мигрень 29%), зўриқишдаги бош оғриғи 47% ни ташкил қилди.

Болаларда мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғи касалликлари тарқалиши ўрганилаётганда, бу касалликларнинг жинс ва ёшга боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Масалан, кичик ёшдаги гуруҳларда (7-11ёш) бош оғриғининг юқоридаги формалари қизларга нисбатан кўпроқ ўғил болаларда кузатилди: мигрень касаллиги ўғил болаларда 19,4%, қизларда 16,1%, зўриқишдаги бош оғриғи эса ўғил болаларда 36,4%, қизларда 21,8% ни ташкил қилган. Катта ёшдаги гуруҳларда қизларда бош оғриғи хуружларининг кўпайиши кузатилган. Мигрень касаллиги ўғил болаларда 24,8%, қизларда 29,1%, зўриқишдаги бош оғриғи ўғил болаларда 20,0%, қизларда 21,8%ни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар катта ёшда жисмоний ва ақлий зўриқишлар, қизларда организмдаги гормонал ўзгаришлар билан боғланди.

Мигрень гуруҳидаги 40,32% ва зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳидаги 18,18% беморлар анамнездан касалликнинг наслий характерга мойиллиги кузатилган.

Шунингдек, ретроспектив маълумотларни тўплашда сўнгги 3 ой ичида бош оғриғи пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин омиллар ҳисобга олинган. Мигрень ташҳиси қўйилган беморларда бош оғриғи (56,45%) стресс ҳолатлари билан боғлиқлиги аниқланди, балоғат ёшидаги қизларда эса бош оғриғи (мигрень) ҳайз кўриш цикли 32,26% ( $P < 0,05$ ) билан кўзғатилди.

Бундан ташқари, об-ҳавонинг ўзгариши, жисмоний ёки ақлий чарчоқ каби омиллар мавжуд эди.

Тадқиқотларимиз давомида ВНСнинг соматоформ дисфункцияси, астения, инфекцияларга нисбатан паст резистентлик, сурункали соматик патологиялар, аллергиянинг турли шакллари каби коморбид ҳолатларнинг тарқалиши мигрень гуруҳида сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди.

Ёш жихатидан ушбу бош оғриқ шакллари ўзига хос клиник хусусиятларига эга эди. Кичик ёшдаги болалар бош оғриғини латерализациясини аниқ кўрсата олмадилар, фақатгина 13-14 ёшларда оғриқни аниқ локализациясини кўрсата беришди. Бош оғриғининг характериға келсак, мигрень ташхиси билан бўлган кичик гуруҳдаги болалар бош оғриғи, хуружини аниқ тасвирлай бера олмадилар, фақатгина 10-11 ёшга келиб, мигрень касаллигида асосий паттерн ҳисобланган пульсацияланувчи оғриқ характериғини айтиб бера олдилар (54,84%). Зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳидаги 7-11 ёшли болалар кўпгина ҳолатларда оғриқни «фақат оғрияпти» деб тасвирлашган, бу гуруҳдаги катта ёшдаги болалар эса уни «тор қалпоқ» ёки «ҳалқа» босими билан таққослаб умумий тавсиф беришди.

Бош оғриғи интенсивлиги ВАШ шкаласи бўйича баҳоланди. Бизнинг натижаларимизга кўра мигрень касаллигида бош оғриғи интенсивлиги 8-10 баллни, зўриқишдаги бош оғриғида эса ўртача 4-6 баллни ташкил этди. Биринчи ҳолда мигрень ташхиси қўйилган болаларда оғриқ хуружи даврида қоронғи хонада ёлғиз бўлиш, ётоқчилаш, ўйиндан воз кечиш, телевизор кўришдан бош тортиш кузатилган, бу эса ушбу ташхиснинг асосий мезонларидан ҳисобланади.

Шунингдек, текширув натижасида хуружнинг вақти ва давомийлигига эътибор қаратилди. Масалан, 7-11 ёшли болаларда мигрень гуруҳида хуружлар бир неча дақиқадан бир неча соатгача кузатилди, ўсмирлик даврида эса хуружлар узокроқ, частотаси кўпроқ давом этди ва кундузги хуружлар 52,23%ни, кечки хуружлар 38,71% ва куннинг вақтидан қатъий назар 20,97%ни ташкил қилди. Зўриқишдаги бош оғриғи ташхисли беморларда хуружлар куннинг иккинчи ярмида кузатилиб, уларнинг давомийлиги ўртача 30 минутдан 1-3 соатгача давом этган. Ўсмирларда эса 6-7 соатни ташкил қилган.

Биз томондан аурали мигрень ташхиси билан 18 нафар бола текширилди. Мигреннинг бундай шакли 12 ёшдан ошган болаларда кўпроқ учради. Касалликнинг клиник кўринишида таъсирланиш симптомлари (парастезия, фотопсия) зарарланиш симптомларидан (гипостезия, парезлар, скотомалар, гемианопсиялар) устунлиги кузатилди. Аура кўпгина ҳолатларда 12-15 минут давом этди. Текширувдан ўтган болалар орасида ауранинг қуйидаги шакллари кузатилган: офтальмик 44,4%, гемигипестетик 27,8%, сенсор 16,7%, базиляр 11%. Қиёсий таҳлил шуни курсатдики, бош оғриғи характеристикасига кўра мигреннинг аурали ва аурасиз формаларида алоҳида

фарқлар мавжуд эмас, бу бир нозологиянинг икки хил шакли умумий патогенетик механизмга эгаллиги билан изоҳланади.

Болалар неврологиясида асосий ва ҳал қилувчи диагностика стандарти параклиник тадқиқотларни (зарурият асосида) ўтказиш билан неврологик ҳолатни таҳлил қилишдир. Олинган натижаларга кўра аниқ айтиш мумкинки, бирламчи бош оғриғининг кўриб чиқилган шаклларида кўпол неврологик ўзгаришлар кузатилмади, фақатгина ёйилган (диффуз) микросимптоматика кузатилган, масалан, кўз олмалари ҳаракатининг енгил чегараланиши, майда тўлқинли горизонтал нистагм, Валле нуқталарининг оғриқлилиги, пай рефлексларининг жонланиши фониде енгил мушак гипотонияси ва бошқалар, бу мигрень ташхиси бўлган болалар гуруҳида сезиларли устунликка эга эди ( $P < 0,05$ ).

Тадқиқотларимиз давомида ВНС ҳолатига катта эътибор берилди. Маълумки, ВНСнинг дисфункцияси бола шахсининг нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. ВНС ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш клиник усулда ва Гийома-Вейн жадвалидан фойдаланиб, ВНСнинг соматоформ бузилишларининг мавжудлигини аниқлади. Мигрень ташхиси кўйилган гуруҳида юқори ишончилиликни симпатик йўналиш (74,19%) ва СВД га мойиллик (98,39%) юқори бўлган, аурасиз мигренда аурали мигренга кўра ишонарли юқори кўрсаткичлар аниқланди ( $P < 0,05$ ) ҳамда қизлар барча ёшдаги гуруҳларда ўғил болаларга нисбатан соматоформ ўзгаришларга мойиллиги кузатилди ( $P < 0,05$ ).

Зарурат асосида кўшимча текширув усуллари (ЭЭГ, ТКДГ, МРТ) ўтказилди.

ЭЭГ текширув усулида болаларда мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғига хос специфик ўзгаришлар аниқланмади. ЭЭГ текширув усулининг Людерс классификациясига мувофиқ (модифицирланган шакл, 2000 й), мигрень ташхиси билан 42% ва зўриқишдаги бош оғриғи билан 60% болаларда ЭЭГ норма вариантыни ташкил қилди. 33,8% мигрень ташхисидаги ва 23,6% зўриқишдаги бош оғриғи ташхисидаги болаларда ЭЭГда майда тўлқинли активлик индексининг юқори бўлиши фониде майда тўлқинли паттерн регистрация қилинган ва у асосан пешона бўлагиде локализацияланганлиги аниқланди. 21% мигрень гуруҳида ва 13,36% зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида энсе соҳасиде кузатилувчи дельта тўлқинлар кузатилди. 2 нафар мигрень ташхисидаги болаларда болаликнинг яхши сифатли эпилептик разрядлари (паттернлари) (BEDC) кузатилди. Г.Доозе (H. Doose) «бош миянинг туғма етукмаслиги» концепциясига кўра: берилган ЭЭГдаги ўзгариш эпилепсияга тааллуқли бўлмай, бош миянинг функционал етук эмаслигидан далолат беради ва у генетик детерминлашган ҳисобланади.

ТКДГ текширув усули мигрень гуруҳида 29 болада, зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида эсе 24 болада ўтказилди. Текширилган болаларда қон - томир системасиде енгил компенсацияланадиган ўзгаришлар аниқланди, булар ангиодистония, вертебро-базилляр бассейн соҳаси артерияларида

ўзгаришлар, веноз дисфункция. Юқоридаги айтиб ўтилган ўзгаришлар мигрень гуруҳида кўпроқ кузатилди.

МРТ текширув усули мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳларидаги болаларнинг барчасида ҳам ўтказилмаган. Мигрень гуруҳидаги болаларда МРТ 35 (56,45%) нафарида, зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида эса 8 (14,55%) нафарида ўтказилди. Текширув натижасида мигрень гуруҳида 18 (51,4%) болада, зўриқишдаги бош оғриғи гуруҳида эса 6 (75,8%) болада бош мияда структуравий ўзгаришлар йўқлиги аниқланди. Бош мия субатрофияси мигрень гуруҳида 1 (1,61%) болада кузатилди. IV қоринчанинг кенгайиши мигрень касаллигида 8 (22,85%)ни, зўриқишдаги бош оғриғида эса 1 (12,52%)ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «Беморларда цефалгиянинг турли формаларида иммунологик кўрсаткичлар» деб номланган тўртинчи бобида иммунологик статусни баҳолашни Р.М. Хаитов тавсияларига биноан ўтказилган. Бу баҳолашлар қуйидаги кўрсаткичларга асосан ўтказилди: айланиб юрувчи Т-лимфоцитлар сони (CD3) ва уларга тегишли асосий иммунорегуляциялайдиган субпопуляцияси Т-хелпер ва Т-цитотоксик хужайралар (CD4, CD8), В-лимфоцитлар (CD20). Периферик қон лимфоцитларини фенотиплаш Ф.Ю. Гариб ва ҳаммуаллифларга кўра билвосита розет шаклланиши (непрямого розеткообразования) усули билан амалга оширилди.

#### 1-жадвал

Даволашдан олдин зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренли беморларнинг хужайравий иммунитет кўрсаткичларининг аҳамияти (% ,  $M \pm m$ )

Имунологик кўрсаткичлар	Норма	Зўриқишдаги бош оғриғи n=55	Мигрень n=62
Лейкоцитлар, мкл	6900±600,0	5353,8±136,5•	5895,6±122,4
Лимфоцитлар, %	32,9 ± 2,2	39,5 ±0,9*	41,4± 0,7*
Лимфоцитлар, мкл	2288,6 ±260,4	2121,6±74,4•	2439,4±65,9
CD3+ (Т-лимфоцитларнинг умумий), %	53,6 ± 1,5	45,7±0,2*	44,1±0,3*
CD3+, мкл	1207,8 ±129,8	975,4± 32,1•	1074,2±28,3
CD4+(Т-хелперлар), %	28,2 ± 1,0	21,7±0,2*	21,7±0,1*
CD4+, мкл	360,0±26,6	256,1±11,4*	237,4±6,8*
CD8+ (цитотоксик лимфоцитлар), %	23,4 ± 1,0	18,8 ±0,2*	18,6±0,1*
CD8+, мкл	342,62 ±9,6	183,1±7,2*	199,7±5,4*
ИРИ (иммунорегуляция индекси CD4/CD8)	1,2 ± 0,1	1,16±0,1	1,17±0,1

**Изох:** \* –  $P < 0,05$  – назоратга нисбатан фарқларнинг ишончлилиги  
• -  $P < 0,05$  – зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренли беморлар гуруҳида даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги.

Олинган натижалар асосида мигрень билан 62 бемор ва зўриқишдаги бош оғриғи бўлган 55 бемор ўртасида қиёсий таҳлил ўтказилди. Даволашнинг самарадорлигини баҳолаш учун барча гуруҳлар иккита кичик

гурухга бўлинди. I кичик гурухларга стандарт терапия қўлланилди, II кичик гурухдаги болаларга эса стандарт давога иммуномодулятор препаратлари қўшилган. Даволанишдан олдин мигрень билан оғриган беморлар гуруҳидаги хужайра иммунитет кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики, мигренли беморларда иммун тизимининг аниқ номутаносиблиги мавжуд. Шундай қилиб, мигрень касаллиги кузатилган болаларда лейкоцитларнинг мутлақ қийматларининг аниқ кўрсаткичлари  $5895,6 \pm 122,4$  мкл зўриқишдаги бош оғриғида  $5353,8 \pm 136,5$  мкл;  $P < 0,05$ , лимфоцитлар  $2439,4 \pm 65,9$  ва  $2121,6 \pm 74,4$  мкл, мос равишда,  $P < 0,05$ , Т-лимфоцитлар  $1074,2 \pm 28,3$  и  $975,4 \pm 32,1$  мкл, мос равишда,  $P < 0,05$ .

Шундай қилиб, мигренли беморларда хужайравий иммунитет кўрсаткичларининг яққол дисбалансини инобатга олиб, мигрень касаллиги бор беморларда иммунитетнинг Т-хужайравий тизимининг сезиларли даражада камайишини тахмин қилишимиз мумкин.

Даволаш курсидан сўнг олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, лимфоцитлар абсолют қийматларининг яққол ижобий динамикаси кузатилди ( $2171,7 \pm 42,4$  ва  $2043,1 \pm 42,3$  мкл., назоратда мос равишда  $2288,6 \pm 260,4$  мкл.  $P < 0,05$ ); Т-лимфоцитлар ( $1058,2 \pm 21,7$  ва  $998,2 \pm 23,0$  мкл., назоратда мос равишда  $1207,8 \pm 129,8$  мкл.  $P < 0,05$ ); Т-цитотоксик лимфоцитлар нисбий кўрсаткичларининг ишонарли даражада пасайиши ( $20,9 \pm 0,1$  и  $21,9 \pm 0,2\%$ , назоратда мос равишда  $23,4 \pm 1,0\%$ ,  $P < 0,05$ ); мигрень касаллиги бор беморларда зўриқишдаги бош оғриғи бўлган беморларнинг тегишли кўрсаткичларига нисбатан (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Зўриқишдаги бош оғриғи ва мигрень касаллигида беморларнинг даволашдан кейинги хужайравий иммунитет кўрсаткичларининг аҳамияти (% , $M \pm m$ )

Имунологик кўрсаткичлар	Норма	Зўриқишдаги бош оғриғи n=55	Мигрень n=62
Лейкоцитлар, мкл	$6900 \pm 600,0$	$5900,0 \pm 101,0$	$6084,1 \pm 97,9^*$
Лимфоцитлар, %	$32,9 \pm 2,2$	$34,3 \pm 0,6^*$	$35,8 \pm 0,5^*$
Лимфоцитлар, мкл	$2288,6 \pm 260,4$	$2043,1 \pm 42,3^*$	$2171,7 \pm 42,4$
CD3+ (Т-лимфоцитлар), %	$53,6 \pm 1,5$	$48,7 \pm 0,4^*$	$48,8 \pm 0,3^*$
CD3+, мкл	$1207,8 \pm 129,8$	$998,2 \pm 23,0$	$1058,2 \pm 21,7$
CD4+ (Т-хелперлар), %	$28,2 \pm 1,0$	$26,4 \pm 0,3^*$	$26,2 \pm 0,2^*$
CD4+, мкл	$360,0 \pm 26,6$	$263,9 \pm 7,1^*$	$276,7 \pm 5,7^*$
CD8+ (цитотоксик лимфоцитлар), %	$23,4 \pm 1,0$	$21,9 \pm 0,2^*$	$20,9 \pm 0,1^*$
CD8+, мкл	$342,62 \pm 9,6$	$218,1 \pm 5,6^*$	$221,0 \pm 4,6^*$
ИРИ (иммунорегуляция индекси CD4/CD8)	$1,2 \pm 0,1$	$1,2 \pm 0,1$	$1,3 \pm 0,1$

**Изоҳ:** \* –  $P < 0,05$  – назоратга нисбатан фарқларнинг ишончилиги  
• -  $P < 0,05$  – зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренли беморлар гуруҳида даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги.

T-хелперларнинг бир хилдаги динамикасида ( $26,4 \pm 0,3$  ва  $26,2 \pm 0,2\%$ , назоратда мос равишда  $23,4 \pm 1,0\%$ ,  $P < 0,05$ ); мигрень касаллигида T-цитотоксик лимфоцитларнинг яққол пасайиши ( $20,9 \pm 0,1$  и  $21,9 \pm 0,2\%$ , назоратда мос равишда  $23,4 \pm 1,0\%$ ,  $P < 0,05$ ) ушбу гуруҳдаги беморларда ИРИ (иммунорегуляция индекси)ни юқори кўрсаткичлилиги аҳамиятлидир.

Даволашдан олдин мигрень билан касалланган беморларнинг гуруҳидаги гуморал иммунитет кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, мигрень билан касалланган беморларда иммунитетнинг гуморал бўғини дисбаланси мавжуд.

Шундай қилиб, мигрень касаллиги бор беморларда ( $21,1 \pm 0,2\%$ ) ва зўриқишдаги бош оғриғи ( $21,0 \pm 0,3\%$ ; назорат остида  $18,6 \pm 0,5$ ;  $P < 0,05$ ) бўлган болаларда В-лимфоцитларнинг нисбий қийматлари сезиларли даражада ошганлиги зардобдаги А иммуноглобулинининг ишонарли ошганлиги билан боғлиқ (зўриқишдаги бош оғриғи бор беморларда  $5,7 \pm 0,1$ , мигренда  $6,2 \pm 0,1$  г/л, мос равишда, назорат остида  $1,2 \pm 0,1$  г/л,  $P < 0,05$ ), М (зўриқишдаги бош оғриғи бор беморларда  $2,4 \pm 0,1$ , мигренда  $2,9 \pm 0,1$  г/л, мос равишда, назорат остида  $1,5 \pm 0,1$  г/л,  $P < 0,05$ ) ва G (зўриқишдаги бош оғриғи бор беморларда  $20,5 \pm 0,2$ , мигренда  $21,6 \pm 0,1$  г/л, мос равишда, назорат остида  $11,1 \pm 1,1$  г/л,  $P < 0,05$ ). Мигрень касаллиги кузатилган беморларда яққол намоён бўлиши, ушбу патологияли болаларда организмида чуқур яллиғланиш ўчоқлари билан боғлиқ (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Даволашдан олдин зўриқишдаги бош оғриғи ва мигрень касаллигида гуморал иммунитет кўрсаткичларининг аҳамияти (% , $M \pm m$ )

Имунологик кўрсаткичлар	Назорат	Зўриқишдаги бош оғриғи n=55	Мигрень n=62
CD20+ (В- лимфоцитлар), %	$18,6 \pm 0,5$	$21,0 \pm 0,3^*$	$21,14 \pm 0,2^*$
CD20+, мкл	$435,7 \pm 57,2$	$446,0 \pm 19,2$	$514,0 \pm 14,1$
CD95+ (апоптоз фактори),%	$23,6 \pm 2,2$	$21,3 \pm 0,3$	$24,1 \pm 0,2$
IgG, г/л	$11,06 \pm 1,1$	$20,5 \pm 0,2^*$	$21,6 \pm 0,1^{\bullet}$
IgA, г/л	$1,15 \pm 0,1$	$5,7 \pm 0,1^*$	$6,2 \pm 0,1^{\bullet}$
IgM, г/л	$1,45 \pm 0,2$	$2,4 \pm 0,1^*$	$2,9 \pm 0,1^{\bullet}$
ЦИК йирик (IgM билан боғланган), у.е	$18 \pm 3,2$	$20,7 \pm 0,4$	$23,4 \pm 0,4$
ЦИК 4% (майда)	$24 \pm 7,1$	$27,7 \pm 0,7$	$32,2 \pm 0,5^{\bullet}$

**Изох:** \* –  $P < 0,05$  – назоратга нисбатан фарқларнинг ишончлилиги  
 $\bullet$  -  $P < 0,05$  – зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренли беморлар гуруҳида даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги.

Текширилган зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренли болаларда апатоз фактори CD 95 кўрсаткичларида сезиларли оғишлар кузатилмаган (зўриқишдаги бош оғриғи беморларида  $21,3 \pm 0,3$ , мигренда  $24,1 \pm 0,2$  %, мос равишда, назорат остида  $23,6 \pm 2,2\%$ ,  $P > 0,5$ ) ва ЦИК – циркуляциялайдиган иммун комплекслар – йирик (IgM билан боғлиқ) (зўриқишдаги бош оғриғи

беморларида  $20,7 \pm 0,4$ , мигренда  $23,4 \pm 0,4$  %, мос равишда, назорат остида  $18,0 \pm 3,2$ %,  $P > 0,5$ ) ва циркуляциялайдиган иммун комплекслар – майда (зўриқишдаги бош оғриғи беморларида  $27,7 \pm 0,7$ , мигренда  $32,2 \pm 0,5$ %, мос равишда, назорат остида  $24,0 \pm 7,1$ %,  $P > 0,5$ ) (3-жадвал). Кўрсаткичларнинг аниқ оғишлари йўқлиги, организмдаги яллиғланиш жараёнларининг ўртача даражаси ва беморларнинг аҳволи оғирлиги билан боғлиқ.

Даволашдан сўнг зўриқишдаги бош оғриғи ва мигрень билан оғриган беморларда гуморал иммунитет кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, асосан ижобий динамикани кўрсатди, бу кўпроқ зўриқишдаги бош оғриғи билан оғриган беморларда аниқроқ намоён бўлди. Шу билан бирга, мигренда А, М, G зардобдаги иммуноглобулинлар миқдори ишонарли юқори кўрсаткичларга эга бўлди ( $5,1 \pm 0,1$ ;  $2,1 \pm 0,1$ ;  $16,4 \pm 0,1$  г/л, мос равишда) ва IgA ва G зўриқишдаги бош оғриқда ( $4,3 \pm 0,1$ ;  $14,8 \pm 0,1$  г/л, мос равишда), назорат остида  $1,2 \pm 0,1$ ;  $1,5 \pm 0,2$ ;  $11,1 \pm 1,1$  г/л, мос равишда (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Даволашдан кейин зўриқишдаги бош оғриғи ва мигрень касаллигида гуморал иммунитет кўрсаткичларининг аҳамияти (% , $M \pm m$ )

Имунологик кўрсаткичлар	Назорат	Зўриқишдаги бош оғриғи n=55	Мигрень n=62
CD20+ (B- лимфоцитлар),%	$18,6 \pm 0,5$	$19,4 \pm 0,2$	$18,9 \pm 0,2$
CD20+, мкл	$435,7 \pm 57,2$	$395,9 \pm 9,5$	$411,3 \pm 8,7$
CD95+ (апоптоз фактори),%	$23,6 \pm 2,2$	$22,5 \pm 0,2^*$	$20,9 \pm 0,3$
IgG, г/л	$11,06 \pm 1,1$	$14,8 \pm 0,2^*$	$16,4 \pm 0,2^{*•}$
IgA, г/л	$1,15 \pm 0,1$	$4,3 \pm 0,1^*$	$5,1 \pm 0,1^{*•}$
IgM, г/л	$1,45 \pm 0,2$	$1,8 \pm 0,1$	$2,1 \pm 0,1^{*•}$
ЦИК йирик (IgM билан боғланган), у.е	$18 \pm 3,2$	$15,8 \pm 0,4$	$18,7 \pm 0,4$
ЦИК 4% (майда)	$24 \pm 7,1$	$24,8 \pm 0,4$	$25,5 \pm 0,4$

**Изоҳ:** \* –  $P < 0,05$  – назоратга нисбатан фарқларнинг ишончлилиги  
• -  $P < 0,05$  – зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренли беморлар гуруҳида даволанишдан олдин тегишли кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги.

Зўриқишдаги бош оғриғи ва мигрень билан оғриган беморларда яллиғланишга қарши ФНО- $\gamma$  ва IL-10 цитокинлар динамикасининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилаётган яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўртача қиймати касаллик даврида характерли динамикага эга (5-жадвал). Шундай қилиб олинган натижалар ва жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, зўриқишдаги бош оғриғида даволанишдан олдин ФНО- $\gamma$  миқдори юқори бўлиб, даволанишдан сўнг яллиғланишга қарши цитокинларнинг миқдори ишонарли камайганлиги кузатилди, назорат гуруҳида (даволашдан олдин  $5,13 \pm 0,02$  нг/мл, даволашдан сўнг  $2,6 \pm 0,01$  ( $P < 0,5$ ), назорат остида  $2,3 \pm 0,2$  нг/мл ( $P < 0,5$ )).

**Зўриқишдаги бош оғриғи ва мигрень касаллиги кузатилган беморларнинг қон зардобидаги алоҳида цитокинлар (ФНО- $\gamma$ , IL-10) миқдори**

Цитокинлар (нг/мл)	Назорат гурухи	ЗБО (зўриқишдаги бош оғриғи) n= 55		Мигрень n= 44	
		Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
ФНО- $\gamma$	2,3 $\pm$ 0,2	5,1 $\pm$ 0,02●*	2,6 $\pm$ 0,01*	5,5 $\pm$ 0,4*●	3,7 $\pm$ 0,3*
IL-10	3,9 $\pm$ 0,4	3,0 $\pm$ 0,03●	8,9 $\pm$ 0,04*	3,8 $\pm$ 0,4●	9,4 $\pm$ 0,3*


**Изоҳ:** \*–  $p < 0,05$  – кўрсаткичлар ва соғлом шахслар ўртасидаги фарқнинг аҳамияти;  
● –  $p < 0,05$  – касалликлар динамикасидаги фарқлар аҳамияти

Мигрень касаллигидаги беморларда биров сезиларли, аммо йўналишида бир хил бўлган цитокинлар динамикаси қайд этилган. Шундай қилиб, даволанишдан олдин ФНО- $\gamma$  яллиғланиш цитокинининг юқори кўрсаткичда бўлиши ва даволанишдан сўнг ишонарли камайиши кузатилди, назорат гуруҳларида (даволашдан олдин 5,5 $\pm$ 0,4нг/мл, даволашдан сўнг 3,7 $\pm$ 0,3 назорат остида 2,3 $\pm$ 0,2 нг/мл;  $P < 0,5$ ).

Мигрень ва зўриқишдаги бош оғриғида иммунитетнинг хужайравий, гуморал бўғимида ва цитокин статусида бузилишлар мавжуд бўлиб, улар беморларда иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларини лаборатор кўрсаткичлар орқали тасдиқлайди.


Даволашнинг клинко-неврологик самарадорлигини объектив таҳлил қилиш учун беморларга бир ойлик кундалик тарқатилди. Даволаш натижалари барча кичик гуруҳларда бош оғриғининг интенсивлиги ва хуружлар сонининг пасайганини кўрсатади. I ва II кичик гуруҳлар қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ижобий натижа II кичик гуруҳда кузатилди. II-кичик гуруҳдаги мигрень касаллигида бош оғриғи интенсивлиги ўрта ҳисобда 4-7 баллга камайган 33,87% ( $P < 0,005$ ) ҳолларда. Зўриқишдаги бош оғриғи касаллигидаги II кичик гуруҳларда даволашдан сўнг бош оғриғи интенсивлиги 1-3 балл 27,27% ( $P < 0,005$ ) ҳолларда ташкил этди. Мигрень касаллигидаги II кичик гуруҳда хуружлар 3-4 ҳафтада 1 маротабагача камайди (40,32%,  $P < 0,005$ ), бу эса I кичик гуруҳдаги хуружлардан (25,81%,  $P < 0,005$ ) кўп камайганлигини кўрсатди. Зўриқишдаги бош оғриғи кичик гуруҳида хуружлар 2 ҳафтада 1 маротабагача (30,91%) камайганлиги маълум бўлди, I-кичик гуруҳда (10,91%). II кичик гуруҳдаги ауралли ва аурасиз мигренда бош оғриғи интенсивлиги даволашдан сўнг 4-7 баллгача камайди, сезиларли фарқ II кичик гуруҳда аурасиз мигренда кузатилди 31,82% ( $P < 0,005$ ). Иккала гуруҳнинг II кичик гуруҳларида 3-4 ҳафта ичида хуружлар частотаси 1 мартагача камайди, сезиларли фарқ II кичик гуруҳда ауралли мигренда 38,89% ( $P < 0,005$ ) ҳолларда кузатилди.

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижасида мигрень гуруҳидаги беморларда В-лимфацитлар, IgG ва иммуномодулятор препаратлар билан даволашдан сўнг кўрсаткичларнинг нормаллашувида нисбий боғлиқлик қайд этилди.



**1-расм. Ўтказилган даво чоралари ва ҳужайравий ҳамда гуморал иммунитет кўрсаткичлари орасида корреляцион боғлиқлик**

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра мигрень ва ЗБО бор беморларда бош оғриғи интенсивлигининг пасайиши ва иммуномодулятор препаратлар билан ўтказилган даво натижаси ўртасида кучли боғлиқлик аниқланди. Бош оғриғи частотасининг камайиши ва иммуномодулятор препаратлар билан ўтказилган даво натижаси ўртасида нисбий боғлиқлик қайд этилди.



**2 – расм. Бош оғриғи интенсивлиги, частотаси ва ўтказилган даво чоралари орасида корреляцион боғлиқлик**

Шундай қилиб олинган маълумотлар иммунитет тизимининг бош оғриғи ривожланишида иштирок этиш механизми қуйидагича эканлигидан далолат беради. Бош оғриғи иммунитет танқислиги ривожланишининг сабабларидан бири бўлиб, яллиғланишни кўзғатувчи механизмларни кўзғатишга ва яллиғланишга қарши воситачилар синтезининг узок муддатли ўсишига ёрдам беради. Ушбу моддалар оғриқ тизимларини фаоллаштиради, оғриқни узатишни осонлаштиради ва сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренни келтириб чиқаради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Бош оғриғи тарқалиш кўрсаткичлари тўғридан-тўғри жинс ва ёшга боғлиқ, яъни гендер детерминирланиши – балоғат ёшдаги қизларда кўп учраши кузатилди. Коморбид ҳолатларнинг вариабеллиги ва яққоллиги (ВНС соматоформ дисфункцияси, астения, инфекцияларга нисбатан паст резистентлик, аллергиянинг турли формалари, сурункали соматик патологиялар мавжудлиги) бош оғриқлар хуружлар частотаси билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ҳаёт сифатига, ўқиш жараёнига ва боланинг социал адаптациясига боғлиқ.

2. Бирламчи бош оғриғи клиникасида тарқоқ микросимптоматик ўзгаришлар кузатилди. Миянинг биоэлектрик фаолияти кўрсаткичлари ЗБО билан таққослаганда мигрен билан оғриган беморларда устунлик қилувчи секин тўлқинли фаолиятнинг мавжудлигини аниқлади. ТКДГ бўйича мия гемодинамикаси натижалари беморларда ангиодистония ва веноз чиқишининг бузилиши белгиларини кўрсатди. Бош оғриғи билан оғриган болаларда нейровизуализацион ўзгаришларнинг аниқланиши, фон ва резидуал ўзгаришлар натижаси эканини кўрсатди.

3. Иммунологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, зўриқишдаги бош оғриғига нисбатан мигрень касаллиги бўлган болаларда хужайравий, гуморал қатор ва цитокин ҳолати алоқаларида номутаносиблиги мавжудлиги бу иккиламчи иммунитет танқислиги мавжудлигини тасдиқлаши мумкин.

4. Корреляцион таҳлил мигрен ва ЗБО билан оғриган беморларда бош оғриғи интенсивлигининг пасайиши ўртасидаги яқин муносабатни аниқлади. Бироқ, мигрен билан оғриган беморларда иммуномодулятор терапия фониде янада аниқ корелляциялар аниқланди. Бош оғриғи частотасини камайтириш ва иммуномодуляторларни қабул қилиш ўртасидаги уюшма иккала гуруҳда ҳам моътадил эди. Иммуномодулятор препаратларни стандарт даволашга киритиш терапия самарадорлигини оширади ва цефалгия ривожланиши ва хронизацияси учун хавф омилларини камайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**АЛИДЖАНОВА ДУРДОНА АБДУЛЛАЖОНОВНА**

**КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ И ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ  
АСПЕКТЫ МИГРЕНИ У ДЕТЕЙ**

**14.00.13 – Неврология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Tib568.**

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tirpe.uz](http://www.tirpe.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Маджидова Якутхон Набиевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Шамансуров Шаанвар Шамуратович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Муратов Фахмиддин Хайриддинович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Международный казахско - турецкий университет имени Ходжи Ахмеда Ясави**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей. Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tirpe.uz](mailto:info@tirpe.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Х.А.Акилов**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Головная боль среди неврологических заболеваний считается одной из самых сложных патологий в детском и подростковом возрасте. Число людей, страдающих этим заболеванием, прогрессивно увеличивается. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «мигрень входит в список 19 заболеваний, вызывающих наибольшее социальную дезадаптацию пациентов, а среди детей школьного возраста частота головных болей варьирует от 5,9% до 82%»<sup>1</sup>. Основной процент этих показателей составляет первичная головная боль – мигрень и головная боль напряжения. Установлено, что частота первичных головных болей увеличивается с возрастом: «к возрасту 3 лет ГБ отмечаются у 3-8% детей, к 5 годам – у 19,5%, к 7 годам – уже у 37-51,5%. Среди школьников 7-15 лет ГБ страдают от 26 до 82%»<sup>2</sup>. Необходимо отметить, что осложнения первичных головных болей, а в частности мигрени, считается социальной проблемой.

Сегодня особое внимание уделяется исследованиям, направленным на выявление детских проблем здоровья, их ранней диагностике и тактике лечения с целью достижения высокой эффективности выявленной патологии. В связи с этим выявление причин и факторов риска возникновения головной боли у детей, определение частоты возникновения, факторов развития и профилактики осложнений заболевания, устранение нейропсихологической, нейровегетативной дезадаптации, выявление иммунологических нарушений при возникновении заболевания, а также совершенствование методов лечения и профилактики признаются актуальной проблемой. Клинико-неврологический подход к разработке комплекса мероприятий, направленных на оптимизацию ранней диагностики, лечения и профилактики осложнений с учетом иммунологических изменений у детей с головной болью, приобретает особый смысл.

В нашей стране для развития медицинской сферы по мировым стандартам, в частности, по ранней диагностике и для снижения осложнений неврологических заболеваний среди различных слоев населения принимаются обширные меры. Определены важные задачи, направленные на «...профилактику и диагностику заболеваний, внедрение высокотехнологичных методов, оказание высококвалифицированной и качественной медицинской помощи»<sup>3</sup>. В связи с этим важно реализовать меры, направленные на раннее выявление и профилактику осложнений заболеваний нервной системы, а впоследствии повысить уровень медико-социальной помощи населению, снизить показатели дезадаптации и улучшить качество жизни.

---

<sup>1</sup>OWH.World report on ageing and health: World health Organization 2016.

<sup>2</sup>Нестеровский Ю.Е., Заваденко Н.Н.Первичные головные боли и сердечно-сосудистые нарушения у детей и подростков//Педиатрия–2014. – № 5. – С.101-108.

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

